

**“Шаҳрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти
кузатув кенгаши мажлисининг
6-сонли баённомаси**

Мажлис ўтказилган вақт ва жой: 2018 йил 15 май, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй, соат 15-00.

**Кузатув кенгаши
аъзолари:** З.Якубов, Т.Казаков, О.Алимов,
Ш.Маматов, К.Худайбердиев

Таклиф қилинганлар: Р. Шарипов – жамият қимматли қоғозлар
бўйича мутахассиси.

Мажлисида кузатув кенгашининг 5 та аъзоларидан барчаси иштирок этиб,
кворум 100 фоизни ташкил қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши таркибидан кузатув кенгаши раисини сайлаш.
2. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг иш вазифалари тақсимооти.
3. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2018-2019 йилларида олиб бориладиган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши раиси ва жамият ижроия органи раҳбари-бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
5. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг бошқарув аъзоларини тайинлаш.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан жамият кузатув кенгаши аъзоси К.Худайбердиев сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ, жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланиши лозимлигини маълум қилди.

Шунга кўра, бугунги кунга қадар “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларига раислик қилиб келган З.Якубовни иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда кузатув кенгаши раиси этиб сайлаш таклифини киритди.

Ушбу таклиф кузатув кенгашининг аъзолари Ш.Маматов, Т.Казаков ва О.Алимовлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилиш таклифи киритилди:

- “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши раиси этиб З.З.Якубовни сайлаш.

Кун тартибидаги масала кузатув кенгаши аъзолари томонидан апрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, киритилган таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Тарафдор – 4 та овоз, Қарши – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан йиғилиш раиси З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг янги вазифалари ҳақида ўз таклифларини билдирди.

Кун тартибидаги масала кузатув кенгаши аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, киритилган таклиф овозга қўйилди. (илова қилинади)

Овоз бериш натижалари: Тарафдор-5та овоз, Қарши-йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги 3-масала юзасидан йиғилиш раиси З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2018 йил 15 майдан бошлаб 2018 йил якуни бўйича 2018 йилда бўлиб ўтадиган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган давр учун кузатув кенгашининг иш режаси лойиҳасини ўқиб эшиттирди ҳамда кузатув кенгаши аъзолари ўртасида муҳокамага қўйди.

Иш режа кузатув кенгаши аъзолари ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли бандлар келишиб олинди ҳамда тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Тарафдор – 5 та овоз, Қарши – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги 4-масала юзасидан кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино ароқ” АЖ ижроия органининг бошқарув раиси С.Рузиев ўтган давр мобайнида раҳбар сифатида ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги ҳамда 2017 йил учун режалаштирилган бизнес режа кўрсаткичларини бажарганлигини инобатга олиб, “Шаҳрисабз вино ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш жамият акциядорларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилганлиги ва С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йилга, яъни кейинги акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилиши маъқулланганлиги сабабли С.Рузиев билан бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини узайтирилишини таклиф қилди.

Кун тартибидаги масала кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Тарафдор-5та овоз, Қарши-йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ уставининг 10-бўлими, 81-моддасига мувофиқ, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг бошқарув аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланиши (тайинланиши), бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолаши, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномани жамият бошқарув раиси имзолаши белгиланганлигини маълум қилди.

Шундан келиб чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖни ташкилий тузилмасига асосан жамиятнинг бошқарув аъзолари таркибига қуйидагиларни киритиш таклифини киритди.

1.	Жураев Ахматжон	Ишлаб чиқариш бўйича директор
2.	Рузиев Азим	Молиявий масалалар бўйича директор
3.	Худойкулов Акбар	Маҳсулот сотиш ва маркетинг масалалари бўйича директор
4.	Вакант	Режим ва кадр масалалари бўйича директор

Шунингдек, жамият бошқарув раиси С.Рузиевга режим ва кадр масалалари бўйича директор лавозими вакант бўлганлиги сабабли ушбу жойга муносиб номзодларни кўриб чиқиб, тегишли таклифлар киритиш топшириғи берилди.

Кун тартибидаги масала кузатув кенгаши аъзолари томондан муҳокама қилиниб тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Тарафдор-5та овоз, Қарши-йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши раиси этиб З.З.Якубов сайлансин.

2. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалари таксимоти 1- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2018-2019 йиллар учун иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар ўзайтириш тўғрисидаги жамият акциядорларининг 15.05.2018 йилдаги йиллик умумий йиғилишида қабул қилинган қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг бошқарув аъзолари таркибига қуйидагилар сайлансин.

1.	Жураев Ахматжон	Ишлаб чиқариш бўйича директор
2.	Рузиев Азим	Молиявий масалалар бўйича директор
3.	Худойкулов Акбар	Маҳсулот сотиш ва маркетинг масалалари бўйича директор
4.	Вакант	Режим ва кадр масалалари бўйича директор

Жамият бошқарув раиси С.Рузиевга режим ва кадр масалалари бўйича директор лавозимига муносиб номзодларни кўриб чиқиб, тегишли таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

6. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев жамият Уставининг 10-бўлими, 81-бандига асосан, бошқарув аъзоларини ишга ёллаш бўйича меҳнат шартномасини имзоласин.

Йиғилишга раислик қилувчи: _____ **З.Якубов**

Кузатув кенгаши аъзолари: _____ **Ш.Маматов**

_____ **Т.Казак**

_____ **К.Худайбердиев**

_____ **О.Алимов**

Йиғилиш котиби: _____ **Р.Шарипов**

Баённома 21.05.2018 йил куни икки нусхада тузилди.